

# БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ

## ШАРТНОМАСИ

2022 йил "6" январь

020008/3 - сонли

Бухоро т

(шартнома тузилган жойи)

Бухоро туман Электр тармоклари (кейинги ўринларда "Корхона"  
(энергия билан таъминловчи ташкилот номи)

деб юритилади) нинг Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари  
бир тарафдан ва Бухоро туман Ободонлаштириш

бошқармаси

(энергия таъминоти ташкилоти раҳбарининг Ф.И.Ш.)  
номи)

(Энергия истеъмолчисининг

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади) нинг Низом асосида фаолият кўрсатувчи  
раҳбари И.Ходжиев иккинчи тарафдан тизимдаги ҳисоб варағи - 65200 ушбу  
шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

### I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартнома билан Корхона туташтирилган тармоқ орқали Истеъмолчига  
электр энергияси (кейинги ўринларда "Энергия" деб юритилади) бериб туриш мажбуриятини,  
Истеъмолчи эса қабул қилинган Энергия ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Уланган қуввати 750кВА ва ундан катта бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган  
Истеъмолчилар олинган Энергиядан ташқари, яна талаб этилган ҳар бир кВт ёки ягона электр  
энергияси тизимининг юкламали соатларида қатнашувчи ҳақиқий максимал қувват  
(кейинчалик "Қувват") учун ҳақ тўлайди.

### II. ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

2.1 Энергия истеъмолининг шартномавий ҳажми 22222,22 кВт.с. ни ташкил қилади.\*

2.2 Шарнома тузилган кунда етказиб бериладиган Энергиянинг умумий нархи  
5000000 сўмни, Қувватнинг нархи 450 сўмни (амалда бўлган тариф асосида) ташкил  
қилади.\*

Шундан, бюджет маблағлари ҳисобидан 9 999 999,99 (туккиз миллион туққиз юз туқсон  
туққиз минг туққиз юз туқсон туққиз сум, 99 т )

\_\_\_\_\_ сўм,  
Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан \_\_\_\_\_ сўм.

2.3 Корхона Истеъмолчига Энергияни (Қувватни) ушбу шартноманинг  
1-илоvasида кўрсатилган миқдорда етказиб беради.\*

2.4 Корхона томонидан Истеъмолчига етказиб берилган Энергия (Қувват) миқдори  
Энергияни (Қувватни) ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича аниқланади (2-илова).  
Ҳисобга олиш приборлари, шунингдек Корхона билан Истеъмолчиларнинг ҳисоб-  
китоб қилишига мўлжалланган Энергия ва Қувватни ҳисобга олишнинг бошқа воситалари  
Корxonанинг Энергия истеъмолини автоматлаштирилган ҳисобга олиш ва назорат қилиш  
тизими билан мос келиши, Истеъмолчининг ҳисобидан сотиб олиниши, давлат қиёсловидан